ИНГЛИЗ ТИЛИДА АНТОНИМИЯ АСОСИДА ГРАДУОНИМИК МУНОСАБАТЛАР

Ж.Ш.ДЖУМАБАЕВА

В статье освещаются взгляды английских языковедов на антонимию, делается попытка выявить принципы определения градуонимических отношений антонимов в английском языке.

This article considers points of views of English linguists to antonyms, and on the basis of antonyms the author tries to define the principles of graduonymic relations of antonyms in English language.

Тилшунослик фанининг жаҳон миқёсида муносиб мавқега эга бўлиши мақсадида кейинги йилларда нафақат мустақил Ўзбекистон тилшунослари учун чет эл тилшунослари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга имконият яратилди, балки ўз она тилимиз хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг ўзига хос томонларини очиб бериш ва шу бажарилган тадқиқотлар ва кўрилган масалаларни чет тилларга ҳам татбиқ этиш, чет тиллар билан қиёслаш имкониятлари очилди. Шу ўринда ўзбек тилшунослигида қилинган ишлардан бири даражаланиш, яъни градуонимия хусусида шундай дейиш мумкин. Бу ҳодиса бошқа чет тилларда ўрганилмаган дея олмаймиз, лекин ўзбек тилидагидек чуқур тадқиқ этилиб, бошқа семантик категориялар билан муносабатлари, ўхшаш ва фарқли томонлари таҳлилдан четда қолган. Шу билан бирга лексикографияда ва корпусда ўз аксини топмаган.

Лексикологияда синонимия, полисемия ва антонимияни ўрганиш орқали қизиқарли маълумотларга эга бўлиш мумкин. Инглиз тилида Дж.Лайонз (1977), Д.А.Круз антонимларни ўрганиб чиқиб, семантик оппозицияни учта субкатегорияга ажратадилар – антонимлар (antonymy), тўлдирувчи (complementary) ва конверсивлик (converse). Антонимларга мисол тариқасида “big-small” келтирилса, тўлдирувчи деб “*single-married, male-female*” жуфтликлари кўрсатиладики, улар бир-бирини тўлдириши билан бошқалардан фарқ қилиши таъкидланади. Масалан, *John isn’t married. John is single* деган мазмунни бериб, тўлдирса, *John is not single. John is married* гапи орқали унга тескари мазмун берувчи сўз орқали фикрни тўлдирмоқда. Демак, тўлдирувчи қарама-қарши жуфтликларнинг бошқалардан фарқи шундаки, бир гапдаги мазмун иккинчи гапдаги антонимига “*not*” юкламаси қўшиш орқали бир хил маънога эга гап ҳосил бўлмоқда (*single=not married, married=not single*). Улар учун қуйидаги формула тўғри деб қабул қилинади: **~x ⊃ y ва y ⊃ ~x**. Юқоридаги *good-bad* антонимларида бу ҳолат бўлиши мумкин эмас, масалан, *John is good* гапига тескари маъно берувчи гап *John is bad* бўлгани билан *John is not good* деган гап *John is bad* дегани эмас (*not good≠bad*, *good≠bad*). Булар учун иккинчи формула хос яъни $y \supset \sim x$ [1]. Антонимлар эса, асосан, даражаланувчи сифатлардан иборат эканлиги таъкидланиб, конверсивлик хусусида шундай мулоҳаза юритилади. *Buy* ва *sell* феъллари ўзаро конверсив, қарама-қарши сўзлар дейилади. Шундай бўлса-да, антонимия ва конверсивлик ўртасида паралеллик кузатилади. Ўзаро конверсив ҳисобланган *buy-sell*, ўзаро антоним *big-small* жуфтликларининг қиёсий таҳлилини қуйидаги мисолларда кўриб чиқамиз. *NP_1 bought NP_3 from NP_2* кўринишдаги гап қуйидаги гапга тенг кучли ҳисобланса, *NP_2 sold NP_3 to NP_1*, иккинчи антоним жуфтлиги *NP_1 is bigger than NP_2* гапи эса *NP_2 is smaller than NP_1* гапига тенг ҳисобланмоқда. Бу ердаги фарқни биз синтактик муносабатидан ажратиб олишимиз мумкин. Конверсивликда ҳар хил кўмакчилар ишлатилиши, антонимликда бир хил кўмакчилар иштирок этиши билан фарқ қилади, яъни *bought from – sell to* – конверсивликда, *bigger than – smaller than* – антонимликда.

Бир-бирига зид маънога эга бўлгани билан юқоридаги учта субкатегорияларда градуонимик қатор ҳосил қилиш мумкин эмаслиги аён бўлмоқда. Чунки антонимлар, инглиз олимларининг фикрига кўра, даражаланувчи, яъни қиёсий ва орттирма даражаларга эга бўлиши мумкин, тўлдирувчи ва конверсив жуфтликларда эса даража йўқ. Шуларни инобатга олган ҳолда даражаланувчи антонимларнинг градуонимик қаторини ҳосил қилиш мумкин деган хулоса келиб чиқади, яъни *single-married* ўртасида ҳеч қандай оралиқ сўз бўлиши мумкин эмас. *Big-small* антонимлари ўртасида эса *normal* сўзини қўйиб, шу билан бирга ҳар икки антонимнинг коннотация асосида даражаланишини кўришимиз мумкин: big-huge-grand-gigantc, small-minature- tiny. Уларни битта қаторга жойлаштириб, градуонимик қаторини ҳосил қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида тўхталишдан олдин, Ин Сеок Янгнинг “On antonymy in English” рисоласидаги антонимларнинг икки категорияга ажратилиши

асосида биз уларнинг градуонимик қаторини ҳосил қилса бўладиган, яъни қутблари антонимлардан иборат бўлиши мумкин бўлган ва ҳар икки сўз антоним ҳисобланганда уларнинг ўртасида эмас, алоҳида-алоҳида градуонимик қаторини ҳосил қилиш мумкин бўлган антонимларни таҳлил қилишга эътиборимизни қаратамиз.

Инглиз тилшуносларининг антонимлар ҳақидаги яна бошқа назарияларини кўриб чиқадиган бўлсак, улар даражаланмайдиган антонимлар ва даражаланадиган антонимларга ажратилади, яъни not gradable antonyms *single/married, male/female,* gradable *long/short, big/small [2]*. Шу билан бирга, у ерда ёш антонимлари ёки чексиз, яъни n-tuple тарзида қуйидаги сўзлар берилади: infant – child adolescent – adult. Бу сўзлар сема асосида эмас, нутқда ифодаланишига асосан шу тартибда, бир-бирининг қарама-қарши маъносига эга бўлиши ҳақида ёзилади. Масалан,

A black ball is green
An infant is an adult [2]

Антонимлар турлари хусусида сўз борганида, Д.А.Круз томонидан уч турга бўлиниши ҳақида гапириш ўринлидир. Олим антонимларнинг қутбий турига (polar, pseudo-comparatives) қуйидагиларни киритади: *heavy/light, fast/slow, deep/shallow, wide/narrow, thick/thin, long/short, difficult/easy*. Ушбу антонимларнинг градуонимик қаторини тузишда “оралиқ учинчи” сифатида барчаси учун бир хил сўз ишлатилиши мақсадга мувофиқлиги аниқланди, яъни



Нутқда уларни қуйидаги мисоллар асосида оралиқ учинчи *normal* эканлиги исботлашимиз мумкин:

A _____ B
C _____ D
E _____ F
CD is short, but it’s longer than AB
CD is normal, because EF is longer than CD
EF is much longer than AB,
Шундай қилиб, *AB is the shortest*
CD is normal
EF is the longest ёки *AB<CD<EF*

Параллел ёки қисман мос тушадиган (overlapping) антонимлар қаторига ўз антонимига ҳам эга, лекин контекст бўйича мазмун жиҳатидан мос тушадиган антонимлари мавжуд сўзлар киритилган, масалан, good/bad, pretty/pain, kind/cruel, polite/rude, clever/dull. Бу антонимлар жуфтликларини градуонимик қатор қутбларида жойлаштириш имкони йўқ, чунки бу қатор учун ўрта, яъни ноль нуқтада жойлаштириш мумкин бўлган сўзни топиш мушкул. Бу гуруҳга кирувчи антонимларнинг градуонимик қаторини тузиш мумкин эмас.

Эквиполент антонимлар сирасига киритилган сўзлар эса ҳақиқий антонимлар, яъни ишлатилиш ўрнидан қатъий назар улар ҳар доим антоним саналади, масалан, *nice/nasty, sweety/sour, happy/sad, hot/cold, proud of/ashamed of*. Юқоридаги гуруҳ антонимларидан фарқли ўлароқ, ушбу жуфтликлар қутбларда эмас, градуонимик қаторнинг ўртасида, баъзан эса ҳар хил нуқталарида жойлашиши мумкин ва улар бир неча жойлашиш ўрнига кўра қуйидаги турларга эга:

1.jolly←joy←happy↔sad→sorrowful→depressed
2.icy→chilly→**cold**→cool→warm→balmy→**hot**→sc orching
3. fine→nice→nasty→cloudy

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, антонимия муносабати хусусида юритилган фикрларга таянган ҳолда, градуонимик муносабатни тавсифлашга ҳаракат қилинди. Д.А.Круз [4] фикрига кўра, ажратилган қутбий, параллел ва эквиполент антонимларда градуонимик қаторни тузиш масаласи бўйича қуйидаги хулосага келинди:

– қутбий антонимлар градуонимик қаторининг ўртасида ҳар доим normal сўзи жой олиши мумкинлиги исботланди;

– параллел антонимларда эса юқоридаги ҳолат бўлиши мумкин эмаслиги, жуфтликнинг ҳар иккаласи градуонимик қатор тузилганда ҳеч қачон қутбларда жойлашмаслиги аниқланди;

– эквиполент антонимлар жуфтликлари ўзаро бирлашувчи градуонимик қатор ҳосил қилмасдан, балки ҳар бири алоҳида ўз градуонимик қаторига эга бўла олиши мисоллар асосида тадқиқ этилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, тил корпусида барча семантик категориялар жой олишига қарамасдан, инглиз тилшунослигида, умуман, Европа тилшунослигида ҳанузгача градуонимик муносабатлар ўзбек тилшунослигидагидек ўрганилмаганлиги бир қатор мунозарали жиҳатларни келтириб чиқариши табиий. Корпусда градуонимик қаторлар ҳам ўз аксини топиши учун тилдаги лексемаларнинг даражаланиш луғатини яратиб, кейин шу асосда уни корпусга киритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Юқоридаги хулосаларимиз антонимия асосида градуонимик муносабатларни аниқлаш инглиз тилида лексемаларнинг даражаланиш луғатини яратиш учун муҳим манба бўлади деган умиддамиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику.- М.: Прогресс, 1978.- С. 485-486
2. In-Seok Young. On antonomy in English. Language and linguistics. Volume 19, p. 75-100
3. Compact Oxford Dictionary & Thesaurus, Oxford University Press, 2008.
4. Cruse D.A. Lexical Semantics. Cambridge. Cambridge University Press. 1986.

Ўзбекистон Миллий университети,
2010 йил 8 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Н.Раҳмонов)